

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ЮЛЧИЕВ СУННАТУЛЛА ТУЙЧИБАЕВИЧ

**СПОРТЧИ-ФУТБОЛЧИЛАРДА СОМАТО-ПСИХОЛОГИК
ҲОЛАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА ФУНКЦИОНАЛ
БОҒЛИҚЛИГИНИ АНИҚЛАШ**

14.00.38 – Спорт тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (Phd) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида B2018.1.Phd/Tib592 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.medsport.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мавлянов Искандар Рахимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Магзумова Шахноза Шахзадэевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Саидов Аълонур Бахтинурович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги DSc.30.05.2018.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси 6-уй. Тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: medsport@gmail.com).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 638 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25), e-mail.: tta2005@mail.ru

Диссертация автореферати 20__ йил «__» _____ куни тарқатилди.
(20__ йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Садиков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Г.К. Туляганова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, психология фанлари номзоди, доцент

А.А.Хаджиметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, биология
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунё спортида эришилган натижалар, олимлар томонидан инсон жисмоний имкониятларини юқори чўққисига эришганлиги ва ушбу натижаларни қайд этиш ва янги даражаларга спорчининг нафақат индивидуал атлетик генотип ва фенотип хусусиятлари, балки уларнинг ушбу хусусиятлари билан тиббий психологик имкониятларини ўзаро ҳамжиҳатликда ривожлантириш орқали кўтариш мумкинлигини эътироф этмоқдалар¹. Бу эса барча спорт турларида самардорликни ортиши, спортчиларнинг индивидуал имкониятларини узлуксиз, мукамал баҳолаш билан боғлиқ бўлган тиббий-биологик ва тиббий-психологик назарий ва амалий изланишларнинг заруратини исботламоқда. Спортда юқори муваффақиятларга эришишда қобилиятли ва истикболли спортчиларни танлаш «...инсон конституцияси шахс индивидуаллигининг барча жисмоний ва психофизиологик хусусиятларини ягона функционал бирлиги бўлиб ҳисобланиши»² алоҳида аҳамият касб этади. Соматопсихологик ва физиологик омиллар билан биргаликда истикболли спортчиларни, спортда муваффақиятга эришиш даражаси ва спорт соҳаси илмини ривожланиши ҳамда спорт тиббиёти ва жисмоний тарбиянинг назарий, шунингдек, амалий тиббий-биологик ва тиббий- психологик муаммолари, охириги йилларда молекуляр генетика усулларга таяниб инсон генини баҳолаш, илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда спортчиларда спорт тиббиётининг асосий тиббий-психологик кўрсаткичлари бўлган соматотип ва психофенотип белгиларининг ўзига хослиги ва улар орасидаги функционал боғлиқликни баҳолаш бўйича юқори самарага эришишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда спортчи-футболчиларда морфофенотип ва психофенотип белгилари ва улар орасидаги боғлиқликни футболчи ўйин амплуаси кесимида таҳлил этиш ва уларни спорт генлари билан ассоциациясини таҳлил этиш орқали юқори спорт марраларини эгаллашни таъминлашга қаратилган организмнинг функционал-метаболик имкониятларини таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича вазифалар «...ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга

¹ European College of Sport Science – ECSS.- 6-9 июля 2016

² Симоненкова И.П., Сопов В.Ф. Исследование особенностей психологических навыков футболистов высокой квалификации с целью разработки методики их диагностики //Спортивный психолог.-2016.-№2 (41).-С.10-14.

кенг жалб этиш»¹ белгиланган. Қайд этилган вазифалар касалликларни ташхислаш, жумладан, спортчи-футболчиларда соматопсихологик ҳолатларнинг ўзига хослиги ва функционал боғлиқлигини аниқлаш, янги технологияларни қўллаш билан уларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни юқори даражага кўтариш, спортчиларнинг жисмоний ҳолатини яхшилаш ва ҳаёт давомийлигини узайтиришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармонлари, 2017 йил 9 мартдаги «2020 йил Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш тўғрисида»ги ПҚ-2821сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Спорт фаолиятидаги ўзига хослик ва спортчининг муваффақиятлилигини кўпгина олимлар томонидан тадқиқотларда кўриб чиқилган [Л.М. Букова, В.Ф. Кровяков, 2012]. Спортнинг руҳий-педагогик муаммоларига бағишланган тадқиқотларда, унда мусобақа фаолиятини амалга ошириш вақтида спортчиларнинг турли руҳий ҳолатини таҳлил қилиш ва ўрганишга йўналтирилган вазифалар ажратиб олинган [В.А. Бодров, 2004]. Шахсларнинг спортдаги ғалабасини тадқиқ қилувчилар қайд этишича, спорт фаолияти шароитида мустақил бўлиш ва ижтимоий дадиллик, гуруҳ мақсадларига эришишда ғалаба мотивацияси кучи спортчиларнинг руҳий сифати бўлган–ишонччиликка таянади. Шунинг учун спорт фаолияти ишонччиликни оширишнинг объектив сабаблари спорт машғулотларини алоҳида ҳолат назарияларини ўзгаришини, уларни режалаштириш спорт машғулотларига ноанъанавий технологияларни жорий этиш, спортчиларни назарий тайёрлашни тузиш учун математик моделни қўллашни талаб этади. Барча физиологик ва расмий физиологик ўзига хосликларни конституция билан боғлаш қабул қилинган. Инсон конституцияси шахс индивидуаллигининг барча жисмоний ва психо-физиологик хусусиятларини ягона функционал бирлиги бўлиб ҳисобланади [Е.Н. Гогонов, Б.И. Мартъянов, 2000]. Инсонни бир бутун ўрганиш принципи тадқиқотчиларда шубҳа келтириб чиқармайди, бироқ, ушбу ёндашув спортчилар контингентида ишлатилмайди ёки қисман амалга оширилади ва доим ҳам услубий жиҳатдан ягона эмас. Спортчиларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

жисмоний меҳнат қобилияти билан руҳий ва соматик алоқаси ўртасидаги боғлиқлик тўғрисидаги маълумотлар адабиётларда мавжуд эмас. Турли мутахассисликдаги спортчиларда соматик, руҳий ва физиологик ўзига хосликларни бир бири билан қанчалик даражада ўзаро боғлиқлиги маълум эмас [Р.С. Уэйнберг, Д. Гоулд, 2001]. Спортчиларнинг шахсий конституциясини ҳисобга олиш орқали тузилган тасниф ва кўрсаткичлар комплекси (умумий конституция)нинг ишончилигига оид масалалар ҳозиргача очиқ қолмоқда. Спортни мукамаллаштириш босқичида спортчиларни қайси спорт турига кўпроқ мослигини ажратиб олувчи информатив руҳий-физиологик комплексини ҳисобга олган ишончли алгоритм мавжуд эмас. Шунинг учун, турли морфо-функционал, морфо-психофизиологик кўрсаткичларини башоратлашни аҳамиятини аниқлаш, баҳолаш ишончилигини сезиларли даражада ойдинлаштиради [И.В. Харитонова, Е.Ю. Горнушкина, В.И. Николаев, 2000]. Шунингдек, малакали спортчиларнинг морфологик хусусиятлари ҳамда турли полиморф генетик тизимлар орасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрганишга қаратилган изланишлар озчиликни ташкил этади. Спорт йўналишида генетик тиббиётга оид янги соҳа спорт фенотипининг генетик асослари фани шаклланди (И.И. Ахметов, 2012; С.М. Mattsson et al., 2016; G. Wang et al., 2016). Спортчи статуси вариацияларининг тахминан учдан икки қисмидан ортиқроғи генетик кўрсаткичлар билан, қолганлари эса тайёргарлик, овқатланиш, мотивация, уйқу ва эпигенетика ҳамда бошқа омилларга боғлиқ аниқланган (Yan X.X. et al., 2016).

Спорт тиббиёти ва психологиясида санаб ўтилган вазифаларни ҳал этилиши, спортчиларнинг жисмоний иш қобилиятини ўрганишдаги тўлиқ ёндашувни амалга оширишга яқинлашишга имкон беради ва шу боис ҳам спорт назарияси ва амалиёти учун долзарб аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, антропометрик, генотипик кўрсаткичлар ва психологик типлари билан спортчи-футболчиларнинг ўйиндаги амплуаси орасида ўзаро боғлиқлигини тасдиқловчи комплекс соматопсихологик тадқиқотлар етарлича эмас. Ўзбекистонда бундай тадқиқотлар илгари ўтказилмаган. Аниқланган ҳолатлар спортчиларни мусобақаларга тайёргарлик даражасига жиддий талаблар кўяди, бу эса спортчиларни тайёрлашда илмий асосланган оптималлаштириш йўллари излашнинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази илмий ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928597 «Спорт натижаларини башоратлаш ва машғулотлар дастурларини муқобиллаш учун спортчилар физиологик ҳолатини баҳолаш моделини яратиш» мавзусидаги илмий амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади футболчиларнинг баъзи тана пропорциялари каби морфофенотип кўрсаткичлари, ҳамда уларнинг темперамент тури, мотивацион ҳулқ-атвор даражалари каби психофенотип кўрсаткичлари орасидаги боғлиқликнинг футболчи ўйин амплуаси ва мушак қисқарувчанлик гени генотип вариантлари кесимида таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўйин амплуасига боғлиқ ҳолда спортчи-футболчиларда темперамент ва асаб тизими турини баҳолаш;

спортчи-футболчиларда улардаги ўйин амплуасига боғлиқ ҳолда мотивацион ҳуққ-атвор даражаларини аниқлаш ва баҳолаш;

спортчи-футболчиларнинг ўйин амплуасига боғлиқ ҳолда тана вазни ва узунлиги орасидаги, ҳамда оёқ ва тана узунлиги орасидаги пропорцияларини ўрганиш орқали морфофенотип хусусиятларини баҳолаш;

спортчи-футболчиларнинг морфофенотип ва психофенотип хусусиятлари ва улар ўйин амплуаси орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш ва баҳолаш;

спортчи-футболчилар ичида склет мушак қисқарувчанлигини таъминловчи АСТN3 генининг генотип вариантлари тақсимланганлиги даражасини аниқлаш, ҳамда уларнинг темперамент тури билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси профессионал футбол клубларида шуғулланаётган 18-24 ёшдаги 733 нафар футболчи-спортчилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида спортчиларнинг антропометрик, соматопсихологик статуси, фенотипик ва генотипик кўрсаткичларининг материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида соматопсихологик, морфофенотипик, генетик, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий футбол клублари футболчилари орасида оёқ ва тана узунлиги пропорцияси бўйича оёқ узунлиги нисбати юқори бўлган (макроскелетия) футболчилар устуворлиги ва юқори тезлик ва фаолликни тақозо этувчи ўйин амплуасига боғлиқ эканлиги асосланган;

футболчилар орасида тана вазни ва узунлиги пропорциясига мувофиқ тана вазни нисбати юқори ва паст бўлган спортчилар тенг тақсимланганлиги ва ҳимоячидан ҳужумчига қадар тана вазни нисбатининг камайиб бориши исботланган;

футболчилар орасида юқори ҳаракат фаоллигини намоён қилувчи сангвиник ва холерик психофенотип хусусиятига эга спортчилар сони, паст ҳаракат фаоллигини намоён этувчи флегматик ва меланхолик психофенотип хусусиятига эга спортчилардан кўпроқ эканлиги ҳамда юқори ҳаракат ва тезлик билан боғлиқ бўлган ҳужумчи амплуасидаги футболчиларнинг аксариятида учраши исботланган;

футболчилар ичида ғалабага интилиш мотивацион ҳуққ-атвор юқори ва муваффақиятсизликдан қочиш мотивацион ҳуққ-атвор қуйи даражаларда учраши ва ушбу тиббий-психологик хусусият футболчи ўйин амплуасига боғлиқ эмаслиги исботланган;

спортчи-футболчиларда АСТN3 гени куч ва тезлик хусусиятини намоён этувчи RR генотип вариантга эга футболчилар юқори руҳий ва жисмоний фаолликга эга эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

спортчи-футболчиларда ғалабага эришиш ва муваффақиятсизликдан қочиш мотивацион ҳуққ-атвор даражалари ва уларнинг футболчи ўйин амплуаси билан боғлиқлик натижаларининг қиёсий таҳлили асосида спорт натижаларига таъсир этувчи тиббий-психологик таъхис усуллари ишлаб чиқилган;

спортчи-футболчиларда индивидуал тиббий-психологик ёрдамни ташкил этиш ва психокоррекцияга қаратилган чора тадбирларни амалга оширишда уларнинг темперамент психофенотип хусусиятларини ҳисобга олиш тавсия этилган;

спортчиларни спорт турларини танлаш ва спортчи-футболчиларни майдондаги ўйин позициялари-амплуасини аниқлаш спортчиларнинг морфофенотип ва психофенотип кўрсаткичлари ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

спорт тиббиёти амалиётига спортчиларнинг тиббий-биологик ва тиббий-психологик жиҳатдан тайёрлашнинг индивидуаллаштирилган ёндашувига асосланган услубий қўлланма тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, изланишга жалб этилган спортчилар сонининг етарли эканлиги, статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор спортчи-футболчиларда соматопсихологик ва морфофенотип кўрсаткичлари, улар орасидаги ўзаро боғлиқлик, ҳамда футболчи амплуасига мос бўлган жисмоний талабларнинг бажаришдаги ўрнини спорт гени генотип маркери билан аниқланишидан иборатдир;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти психофенотип, морфофенотип ва генотип хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда спортчиларнинг спорт тури бўйича танлаш, жумладан, футболчиларнинг ўйин амплуасини тўғри аниқлаш, машғулотлар тиббий назоратини сифатли ташкил этиш, зўриқиш синдроми ва спорт жароҳатларини олдини олишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Спортчи-футболчилар морфофенотип, психофенотип ва генотип хусусиятларининг ўзига хослиги ва ўзаро функционал боғлиқлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Футболчи ўйин мобайнида жисмоний юкломани саломатлигига зарар етказмасдан бажариш имкониятини яратиш учун уларни ўйин амплуасини аниқлашга қаратилган «Футбочининг ўйин амплуасини аниқлашда психофенотип ва унинг аҳамияти» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 августдаги 8н-р/219- сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома футболчиларнинг ўйин

амплуасини унинг психофенотик ва морфофенотик кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда аниқлаб, амплуа турига мос бўлган жисмоний фаолиятни адекват амалга ошириш имконини яратган;

спортчи-футболчиларда сомато-психологик ҳолатларнинг ўзига хослиги ва функционал боғлиқлигини баҳолаш сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар спорт ва футбол жамоаларнинг профессионал амалиётига, жумладан, “Локомотив” ва “Пахтакор” футбол жамоаларининг тиббий назорати амалиётига татбиқ этилган ((Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 8 январдаги 01-07-02-39-сон хулосаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 декабрдаги 8н-з/242-сон маълумотномаси, Ўзбекистон футбол ассоциациясининг 2019 йил 18 апрелдаги 03/1350-сон хулосаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши футболчиларнинг профессионал хусусиятларининг шаклланиши, саломатлик даражасини яхшилаш, тиббий тикланиш жараёни сифати ошиши, жароҳатланиш сонининг кескин камайиши, функционал имкониятларни оширишга олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 4 та илмий амалий анжуманларда, жумладан, 2 та хорижий ва 2 та республика миқёсидаги анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий матни 98 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу изланиш зарурияти асослаб берилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «Адабиётлар шарҳи» бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида спортда юқори натижаларга эришишнинг муҳим қисми бўлган, спортчиларни руҳий тайёргарлик муаммосини замонавий ҳолати ўрганилган адабиётлар таҳлил қилинган. Спорт соҳаси ундаги фаолиятнинг барча босқичларига (танлаб олиш, ўқитиш, мусобақаларда иштирок этиш) илмий ёндашувларнинг чуқур кириб бориши билан ўзига хосдир. Илмий

тадқиқотлар муррабийларнинг кенг оммаси ва спортчиларнинг ютуғи бўлиб, бу уларга машқ жараёнларини мукаммаллаштиришга ҳамда юқори натижаларга эришиш имконини беради. Спортдаги муваффақият бир қатор шароитларга, жумладан, таълим жараёнининг ўзига хослиги, тарбия, машқларни бажаришга, мусобақаларга тайёргарлик кўриш каби жараёнларга боғлиқ бўлади. Бу жараёнларни шакллантириш ва амалга оширишда умумий руҳий педагогик қонуниятларга асосланиб, аниқ исботланган педагогик таъсир ёндашув ва усуллари, фаолиятни ташкил этиш услубиёти, асаб тизимининг мослаштирилган индивидуал типологик хусусиятлари, антропометрик жиҳатлар ва характернинг ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш зарурдир.

Замонавий профессионал футболчини тактик-техник малакасини мукаммаллаштиришнинг энг аҳамиятли тенденцияларидан бири спортчини ўйинда универсаллаштириш бўлиб, бу ўйинчидан вазиятга боғлиқ ҳолда турли ўйин ролларини бажара олиш қобилиятидир. Шунингдек, бу ҳолат профессионал футболчиларни махсус ва психофизиологик тайёргарлик даражасига юқори талабларни қўяди.

Адабиётлар таҳлили ҳозирги вақтда спорт тайёргарлигининг дастлабки даврида истиқболли, келажаги порлоқ профессионал спортчиларни аниқлаш етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатади. Адабиётларда спортчиларнинг психофизиологик ўзига хослигини тизимли комплекс ўрганиш бўйича махсус олиб борилган илмий тадқиқотлар етарли эмаслиги мазкур тадқиқот ишини олиб бориш заруриятини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материалларининг тавсифи келтирилган бўлиб, унинг таркибига антропометрик маълумотлар ва тана пропорциясининг кўрсаткичлари, шунингдек, 18-24 ёшдаги 733 нафар спортчи-футболчиларнинг тиббий-психологик кўрсаткичлари киритилган.

Генетик тадқиқотлар 17-25 ёшдаги 176 нафар футболчиларда танлаб олиш асосида олиб борилди. Аниқ шахсларни танлаб олишда уларни қайси миллатга таалуқлиги ҳисобга олинди. Пробандлар Тошкент шаҳрида, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида истиқомат қиладилар.

Антропометрик тадқиқотларни услубий қўлланма (А.А.Усмонхўжаева ва ҳаммуаллифлар, 2017) талабларига мувофиқ олиб борилди.

Қон намуналарини йиғиш Ўзбекистон Футбол Федерацияси спорт базасида ўтказилди. Олинган намуналарни текшириш эса МОҚ қошидаги Республика илмий-амалий спорт тиббиёти маркази ташхис лабораторияси бўлимларида олиб борилди.

Олинган маълумотларни математик қайта ишлаш учун дастурлар пакетидан фойдаланилди, бунда ўртача арифметик катталиқни (M), ўртача квадрат силжиш (σ), стандарт хатоликлари (m) ва нисбий катталиқ (частота, %) қўлланилди. Статистик белгилар ўзгариши учун ишончлилик даражаси $P < 0,05$ қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Спортчи-футболчилар тана пропорцияси ва антропометрик кўрсаткичлар тавсифи**» деб номланган учинчи бобида


спортчи–футболчиларнинг морфофенотип кўрсаткичларини ўрганиш натижалари келтирилган бўлиб, хусусан, умумий ва уларнинг ўйин амплуасига боғлиқ равишда Кетле ва скелия индекси бўйича маълумотлар келтирилган. Тадқиқот натижасида олинган маълумотлар футболчилар орасида Кетле индекси 400 гр/смдан кам бўлган атлетлар Кетле индекси 400 гр/см дан юқори бўлган атлетлардан кўп эканлиги ҳақида далолат беради (1-расм). Ўйиндаги фаолликни ортиш даражасига қараб футболчиларда Кетле индексининг кўрсаткичи турлича бўлган.

Футболчилар ичида скелия индекси кўрсаткичларини ўрганиш натижалари макроскелия ва мезоскелия пропорциясига эга спортчилар улуши юқори эканлигини кўрсатган (2- расм).




1- расм. Кетле индекси кўрсаткичи бўйича спортчи-футболчиларнинг тақсимланиши

Спортчи-футболчилар ўйин давомида майдонда фаоллик нуқтаи назаридан турли вазифаларини бажаришини, яъни футбол амплуасига эга эканликларини ҳисобга олиб, уларнинг тана пропорция кўрсаткичлари , яъни Кетле ва скелия индексларини ўйин амплуаси кесимида ҳам таҳлил этилган.



2- расм. Скели индекси кўрсаткичи бўйича спортчи-футболчиларни тақсимланиши

Футболчининг ўйин амплуасига боғлиқ равишда Кетле индекси кўрсаткичини ўрганиш натижалари 3-расмда кўрсатилган. Бунда спортчи-футболчиларнинг майдондаги ўйин фаоллиги ошиши билан тана узунлиги бирлигига тушадиган тана вазнини камайиб бориши кузатилган. Кетле индекси 400 г/смдан катта бўлган футболчилар улуши дарвазобонлар билан солиштирганда, мос равишда химоячиларда 36,2%га, ярим химоячиларда 52,1%га ва ҳужумчиларда 47,0% камайган. Ўз навбатида Кетле индекси 400 г/смдан кам бўлган спортчилар сони эса мос равишда ортиб борган.



3-расм. Футболчининг ўйин амплуасига боғлиқ равишда Кетле индекси кўрсаткичи.

Айнан шундай ҳолат скелет индекси кўрсаткичларига ҳам хос бўлиб, макроскелет улуши ҳимоячилардан ҳужумчилар томон ортиб бориши кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Хулқ компоненти кўрсаткичлари ва уларни спортчи-футболчиларнинг ўйин амплуасига боғлиқлиги**» деб номланган тўртинчи бобда спортчилар руҳий статусини генетик детерминланган индикатори сифатида, тадқиқ қилинаётган футболчиларнинг темперамент типини аниқлаш натижалари келтирилган (4-расм). Футболчиларнинг 25,4%да сангвиник темпераментдаги характер аниқланган бўлиб, улар учун юқори ташаббускорлик, шахсидаги раҳмдиллик-ўзига жалб этиш хусусиятлари, кўп гапириш, мулоқотга тез киришиш, саҳийлик, ташвишсизлик ва шу каби хусусиятлар хосдир. Бу ушбу темперамент турининг кучли томонлари бўлиб, қўйидаги камчиликлар, яъни ташкиллашмаганлик, ишончсизлик, мувозанатнинг йўқлиги, тартибсизлик, иродасизлик, фақат ўзини ўйлаш хусусиятлари кабилар ҳам хосдир. Шунингдек, 35,8% футболчиларда холерик темпераменти аниқланган бўлиб, уларга фаоллик, босимлилик, ўзига ишонч, қаҳрамонлик кўрсатиш, қаътиятлилик, бўйсунмаслик, мустақиллик, иродалилик, ижодкорлик, келажакка ишонч каби ижобий хусусиятлар билан бир қаторда мағрурлик, фақат ўзига ишониш, туйғусизлик, қаттиқ қўллик, шафқатсизлик, ҳукмрон бўлишга интилиш каби салбий хусусиятлар ҳам хосдир.

Ўрганилган футболчилар ичида флегматиклар 18,3% ни ташкил этиб, темпераментнинг мазкур типига амалийлик, жавобгарлик, ташкилийлик, мувозанатлашганлик, тактиклик, ишончлилик, босиқлик каби хусусиятлар хосдир. Ушбу темпераментдаги шахслар одатда қувноқ, тез мослашувчан ва ўз ишини устаси бўлган кишилардир. Шу билан бир қаторда, уларга сусткашлик, фақат ўзини ўйлаш, тез қарорга келмаслик каби салбий хусусиятлар ҳам хосдир. Бу каби кишилар оғир характерга эга бўлиб, улар тез кўтарилмайди, тез таслим бўлади, бахил ва ёпиклик ҳам хосдир. Барча ўрганилган футболчилар ичида меланхолик темпераментдаги футболчиларнинг улуши (20,5%) флегматиклар улушига деярли яқин эканлигини кўрсатди. Ушбу

темпераментдаги кишилар одатда қобилиятли, идеалист, меҳнаткаш, жонини фидо қилувчи, тартибли, эстетлар, перфекционистлардир. Шунингдек, уларга тушкунликка тушиш, қасоскорлик, амалиётга эътиборсизлик, ёпиқлик, тез аразлаш, фақат ўзини ўйлаш каби қ камчиликлар ҳам хосдир. Бундай инсонлар кайфиятга қараб иш тутадилар ва аналитик онг эгаларидир.



4- расм. Темперамент типни бўйича футболчиларни тақсимланиши

Олинган маълумотлар футболчилар орасида энг кўп, яъни ҳар учтадан биттаси холерик темпераментга, деярли тўртадан биттаси –сангвиник темпераментга эканлигидан далолат беради. Меланхолик ва флегматик темпераментга эга футболчилар нисбатан кам сонни ташкил этади. Футболчилар орасида психологик типни бундай тақсимланиши маълум даражада уларни ўйин майдонидаги турли ролига, яъни уларнинг амплуаси билан боғлиқдир.

Шунингдек, ушбу бобда спортчи-футболчиларнинг мотивацион ҳуққ-атвори даражаси бўйича олинган маълумотлар ҳам келтирилган. Бунда ўрганилган футболчиларнинг аксариятида ғалабага интилиш мотивацион ҳуққ-атворнинг юқори ва ўта юқори даражалари кузатилса, муваффақиятсизликдан қочиш мотивацион ҳуққ-атвор эса, аксинча, қуйи даражаларда намоён бўлганлиги кўрсатилган.

Ушбу бобда темперамент турлари ва мотивацион ҳуққ-атвор даражалари футболчи ўйин амплуаси кесимида ҳам таҳлил этилган. Бунда юқори тезлик ва фаолликни тақозо этувчи ўйин амплуаларида фаолият олиб боровчи футболчилар ичида сангвиник ва холерик типдаги спортчиларнинг улуши юқори эканлиги кўрсатилган. Шунингдек, ғалабага интилиш ва муваффақиятсизликдан қочиш каби мотивацион ҳуққ-атвор кўрсаткичлари эса футболчи ўйин амплуасига деярли боғлиқ эмаслиги аниқланган.


Диссертациянинг «**ACTN3 гени генотиплари вариантларига эга футболчиларни тавсифлаш бўлимида ҳуққ-атворни ўзаро боғлиқлигини ўзига хослиги**» деб номланган бешинчи бобида футболчилар ACTN3 гени генотипларини уларнинг ўйин амплуаси билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари берилган.

Олинган натижалар ACTN3 генининг RR генотипига эга спортчи – футболчилар орасида ярим ҳимоячи ва ҳимоячилар энг кўп учрашини

кўрсатган. Дарвозабон ва ҳужумчи футболчиларда эса, аксинча ушбу генотипга эга бўлган спортчилар сони нисбатан камроқ учраши аниқланган.

ACTN3 гени XX генотипига эга бўлган спортчилар ичида ҳужумчи амплуасига эга футболчилар сони юқорироқ эканлиги кўрсатилган. Улар ушбу генотипга эга футболчиларнинг 43,4% ини ташкил этган. Ҳимоячи ва ярим ҳимоячи амплуасига эга бўлган футболчилар улуши эса деярли бир хил бўлган. Футболчи дарвозабонларда эса ушбу генотип варианты энг кам учраган.

Ўрганилаётган спорт генининг RX генотипига эга спортчилар ичида ҳимоячи ва ярим ҳимоячи амплуасига эга футболчилар энг кўп учраганлиги кўрсатилган. Ушбу спортчилар ичида, RR генотипли спортчиларда учрагани каби, дарвозабон ва ҳужумчи амплуасидаги футболчилар сони деярли бир хил бўлган. Олинган натижалар тезлик-куч хусусиятли генотипга эга бўлган спортчи-футболчилар ичида ҳимоячи ва ярим ҳимоячи футболчилар улуши юқори эканлиги кўсатса, чидамлилиқ генотипига эга спортчилар ичида эса ҳужумчилар кўп эканлигини кўрсатган (5-расм). Шу билан бир вақтда турли ўйин амплуасидаги футболчиларнинг тақсимланиши бўйича гетерозигота генотипли футболчилар тезлик-куч хусусиятли генотипга эга бўлган гуруҳ билан бир хил натижани кўрсатди. Агар футболчининг ўйин амплуаси учун спорт сифатларини генетик детерминланганлиги аҳамиятини ҳисобга олсак, тезлик-куч генотипли футболчилар орасида ҳужумчи ва ярим ҳужумчи футболчилар кўп бўлиши керак эди. Бироқ, бизнинг натижаларимиз бошқачароқ бўлди, бу эса футболчиларнинг ўйин амплуасини аниқлашда камчиликлар борлигидан далолат беради.



5-расм. Футболчиларда темперамент турлари билан уларнинг ACTN3 гени генотиплари ассоциацияси

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот натижалари тезлик-куч хусусияти билан боғлиқ генотип ҳар бешинчи футболчида учрашини кўрсатади. Чидамлилиқ генотипи эса тезлик-куч хусусиятли генотипнинг учраш сонидан бироқ кўпроқдир. Шунингдек, гени ўрганиш бўйича ҳар икки тадқиқотлар натижаси ҳам гетерозигот генотипнинг учраш улуши

юқори эканлигини, яъни ҳар икки футболчининг бирида учрашини кўрсатади. Мазкур ҳолат футболчиларда АСТN3 генининг реал ҳолатда ишлаётган аллел вариантыни аниқлаш заруриятини, яъни RX генотип вариантли футболчиларда ушбу ген экспрессиясини тадқиқ қилиш кераклигини кўрсатади. АСТN3 генининг спортчилар темперамент типини билан боғлиқлигини ўрганиш тезлик-куч генотиپи юқори фаоллик билан боғлиқ темперамент типини билан узвийдир. Шунингдек, турли ўйин амплуасидаги футболчиларни тақсимлашни таҳлил қилиш натижалари футболчиларнинг ўйин позицияларини аниқлашда маълум камчиликлар мавжудлигини ҳам кўрсатади.

ХУЛОСА

«Спортчи-футболчиларда сомато-психологик ҳолатларнинг ўзига хослиги ва функционал боғлиқлигини аниқлаш» мавзусидаги фаласафа доктори (PhD) диссертация бўйича ўтказилган изланишлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Спортчи-футболчилар орасида Кетле индексининг юқори (400 г/см дан юқори) ва паст (400 г/см дан кам) кўрсаткичлари деярли бир хил тақсимланган бўлиб, химоячидан хужумчига қадар унинг кўрсаткичи камайиб бориши кузатилади.

2. Спортчи-футболчилар орасида оёқ ва тана узунлиги пропорцияси (скелия индекси) кўрсаткичлари бўйича оёқ узунлиги нисбати (макроскелия) юқори бўлган спортчилар сони кўп эканлиги ва ушбу пропорциядаги спортчиларнинг энг кўпи хужумчи амплуасига эга футболчилар ичида кузатилиши аниқланди.

3. Спортчи-футболчилар орасида сангвиник ва холерик психофенотип хусусиятига эга спортчилар сони кўпроқ эканлиги, айниқса, хужумчи амплуасига эга футболчилар ичида энг кўп учраши кузатилади.

4. Скелия ва Кетле индекси кўрсаткичлари ва темперамент типлари орасида боғлиқлик мавжуд бўлиб, сангвиник, флегматик, айниқса, меланхолик темпераментга эга футболчиларда тана узунлиги бирлигига нисбатан камроқ тана вазни тўғри келиши аниқланади.

5. Спортчи-футболчилар ичида, улар ўйин амплуаси туридан қатъий назар, ғалабага эришиш мотивацион ҳулқ-атвор даражалари юқори бўлиб, муваффақиятсизликдан қочиш мотивацион ҳулқ-атвор даражалари эса, аксинча, паст эканлиги кузатилади.

6. Спортчи-футболчилар орасида тезлик-куч сифатига жавоб берувчи генотип, чидамлилиқка жавоб берувчи генотипга нисбатан кам учраши ва ушбу геннинг генотип вариантлари билан футболчилар ўйин амплуаси ўртасида боғлиқлик аниқланади.

7. Тезлик-куч сифатига жавоб берувчи АСТN3 генининг RR генотип варианты билан юқори рухий ва жисмоний фаоллик хусусиятларини намоён этувчи сангвиник ва холерик психофенотиپи орасида бевосита боғлиқлик кузатилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.05.2018.Tib.69.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЦЕНТР
СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ**

ЮЛЧИЕВ СУННАТУЛЛА ТУЙЧИБАЕВИЧ

**СОМАТО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
СПОРТСМЕНОВ-ФУТБОЛИСТОВ И ИХ
ФУНКЦИОНАЛЬНАЯ ВЗАИМОСВЯЗЬ**

14.00.38 – Спортивная медицина

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.1. PhD/Tib592

Диссертация выполнена в Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета и информационно-образовательного портала "ZiyoNet" по адресу: www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель:

Мавлянов Искандар Рахимович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Магзумова Шахноза Шахзадэевна
доктор медицинских наук, профессор

Саидов Аълонур Бахтинурович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Самаркандский государственный
медицинский институт**

Защита состоится «___» _____ 2019 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.30.05.2018.Tib.69.01 при Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины (Адрес: 100027, город Ташкент, Шайхонтохурский район, улица Олмазор дом 6. тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: medsport@gmail.com).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № 638 (Адрес: 100109, город Ташкент, Олмазарский район, улица Фаробий дом 2, Тел./факс: (+99871)150-78-25); e-mail: tta2005@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2019 года).

А.А.Садиков

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

Г.К.Туляганова

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, кандидат биологических наук, доцент

А.А.Хаджиметов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день результаты, достигнутые в мировом спорте, позволили ученым считать, что человек достиг вершин своих физических возможностей. Поднять на новую высоту спортивные результаты можно не только наращиванием индивидуальных атлетических особенностей генотипа и фенотипа, но и улучшением медико-психологических возможностей спортсменов¹. Это доказывает необходимость повышения эффективности подготовки спортсменов во всех видах спорта, усовершенствования непрерывной оценки их индивидуальных возможностей путем проведения научно-прикладных медико-биологических и медико-психологических исследований. В достижении высоких результатов в спорте особое значение приобретает отбор перспективных и способных спортсменов «...конституция человека является основной функциональной единицей всех физических и психофизиологических особенностей индивида...»². Наряду с соматопсихологическими и физиологическими факторами в достижении успехов в спорте, актуальной проблемой является развитие спортивной науки, в направлении теоретической и прикладной медико-биологических и медико-психологических исследований, а также изучения генома человека с учетом достижений молекулярной генетики.

В мире проводится ряд исследований в направлении достижения высокой эффективности в оценке особенностей проявлений сомато- и психофенотипа и их функциональной взаимосвязи, как основного медико-психологического показателя в спортивной медицине. Кроме того, большое значение имеет изучение проявлений морфофенотипа, психофенотипа и их взаимосвязи с учетом игрового амплуа футболиста, и разработка системы функционально-метаболического обеспечения организма, направленного на достижение высоких спортивных высот на основе анализа их ассоциации со спортивными генами.

В нашей республике проводится широкомасштабная работа по укреплению здоровья населения, улучшению качества медицинской помощи, повышению качества жизни населения. Согласно Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы по пяти приоритетным направлениям определены задачи по совершенствованию системы здравоохранения и социальной защиты «...продвижение и поддержка творческого и интеллектуального потенциала молодого поколения, формирование здорового образа жизни среди детей и молодежи, а также привлечение их к физической культуре и спорту»³. Эти задачи обеспечивают улучшение физического состояния спортсменов и удлинение продолжительности жизни, диагностику заболеваний, в том числе определение особенностей соматопсихологического состояния у

¹ European College of Sport Science – ECSS.- 6-9 июля 2016.

² Симоненкова И.П., Сопов В.Ф. Исследование особенностей психологических навыков футболистов высокой квалификации с целью разработки методики их диагностики // Спортивный психолог.-2016.-№2 (41).-С.10-14.

³ Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. по пяти направлениям.

спортсменов-футболистов и их функциональной взаимосвязи, подъем на новый уровень оказания качественной медицинской помощи и применение современных технологий.

